


ВАДИМ АБРАМОВНИНГ КЕНГАЙТИРМАГАН ТАРКИБИДА ЯНГИ НОМЛАР

2019-yil 3-oktabr, payshanba, 79 (1702)-son

SAH VAT

INTER



«ТОТЕНХЭМ» - «БАВАРИЯ» - 2:1



gettyimages
Charlotte Wilson/Oriente

ЛОНДОНДА «ГНАБРИ ШОУ»



МАҒЛУБИЯТГА
ШЕРИК МУРОСА

«РЕАЛ» - «БРЮГГЕ» - 2:2

gettyimages
Mark Thomas/EMVCS



«ШЕРЛАР»
ШОДИЁНАСИ



28 КИШИЛИК КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2 октябрь куни ЖЧ-2022 саралаш баҳслари «D» гуруҳидан ўрин олган навбатдаги учрашувлар олдидан Тошкентда йиғинга киришди. Бош жамоамизнинг янги мураббийлар штаби томонидан эълон қилинган кенгайтирилган таркибда 28 нафар футболчи бор. Суперлига 21-тур ўйинларидан кейин футболчиларнинг жисмоний ҳолати ўрганиб чиқилди ва улар терма жамоа машғулотларига киришдилар. Вадим Абрамов йиғин якунида Яман ва Сингапур терма жамоаларига қарши кечадиган расмий учрашувлар қайдномасига киритиладиган футболчиларни саралаб олади.

Ўзбекистон термасининг кенгайтирилган таркиби

Дарвозабонлар:

Санжар Қувватов («Пахтакор»)
Элдор Суюнов («Пахтакор»)
Абдумавлон Абдужалилов («Бунёдкор»)

Ҳимоячилар:

Егор Кримец («Пахтакор»)
Рустам Ашурматов («Гвангжу», Жанубий Корея)
Умар Эшмуродов («Насаф»)
Ислом Тўхтаўжаев («Локомотив»)
Шароф Муҳиддинов («Насаф»)
Фаррух Сайфиев («Пахтакор»)
Дилшод Аҳмадалиев («Бунёдкор»)
Ҳожиакбар Алижонов («Пахтакор»)
Акбар Исматуллаев («Металлург»)

UZBEKISTAN			
№	ИСМИ	ҲАМКАРИ	ҲАМКАРИ
1	Санжар Қувватов	«Пахтакор»	
2	Элдор Суюнов	«Пахтакор»	
3	Абдумавлон Абдужалилов	«Бунёдкор»	
4	Егор Кримец	«Пахтакор»	
5	Рустам Ашурматов	«Гвангжу», Жанубий Корея	
6	Умар Эшмуродов	«Насаф»	
7	Ислом Тўхтаўжаев	«Локомотив»	
8	Шароф Муҳиддинов	«Насаф»	
9	Фаррух Сайфиев	«Пахтакор»	
10	Дилшод Аҳмадалиев	«Бунёдкор»	
11	Ҳожиакбар Алижонов	«Пахтакор»	
12	Акбар Исматуллаев	«Металлург»	
13	Вадим Абрамов	«Пахтакор»	CDACI

Ярим ҳимоячилар:

Одил Ҳамробеков («Пахтакор»)
Одил Аҳмедов («Шанхай СИПГ», Хитой)
Икром Алибоев («Сеул ФК», Жанубий Корея)
Азиз Ғаниев («Насаф»)
Остон Урунов («Локомотив»)
Жалолиддин Машарипов («Пахтакор»)
Лутфулла Тўраев («Бунёдкор»)
Сардор Мирзаев («Локомотив»)
Отабек Шукуров («Ал-Шаржа», БАА)
Достон Ҳамдамов («Пахтакор»)
Хуршид Ғиёсов («Бунёдкор»)
Жамшид Искандеров («Локомотив»)
Жасур Яхшибоев (АГМК)

Ҳужумчилар:

Элдор Шомуродов («Ростов», Россия)
Игорь Сергеев («Пахтакор»)
Темурхўжа Абдухолиқов («Локомотив»)

ФИФА ПРЕЗИДЕНТИДАН ТАБРИК

«Пахтакор» клуби Соса Cola Суперлига 20-тури доирасида Бекободда «Металлург»ни 2:1 ҳисобида енгиб, мундтадан анча аввал чемпионликни расмийлаштиригандан хабарингиз бор. «Шерлар» Бекободда ҳисоб бўйича Ўзбекистоннинг 12 карра чемпионига айланишди. Эътиборли жиҳат - ФИФА президенти Жанни Инфантино шу муносабат билан УФАга мактуб йўллаб, «Пахтакор»ни мамлакат чемпионати олтин медалига эга чиққани билан табриклади. Айтиш ўринли, пойтахт клуби бундан аввалги чемпи-



онликни 2015 йилги мавсумда тантана қилганди. «Ушбу ютуқ «Пахтакор»нинг аҳил ва меҳнаткаш жамоаси, мураббийлар штаби ҳамда футболчиларнинг улкан меҳнати маҳсулидир. Мазкур муваффақият билан «Пахтакор» клубининг барча вакиллари ҳамда муҳлисларини муборакбод этаман», - дейилади ФИФА президенти табрикномасида.

БАРЧАСИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА

ПФЛ вакили Диёр Имомхўжаев «Маҳаллага маҳалла» турнирининг айниқса, ташкилотчилик ишларидан таъсирланган кўринади. Ҳар ҳолда, асосан танқидий чиқишлари билан ажралиб турувчи мутахассис мусобақасининг яхши савияда ташкиллаштирилганини эътироф этди: «Ассосийси, «Маҳаллага маҳалла» турнири муносиб тарзда ташкил этилди. Дейлик, мусобақа 5000 нафардан зиёд болани қамраб олди. Хусусан, Тошкентдаги барча - 508та маҳалла жамоаси турнирда ўз омадини синаб кўрди. Ғолиблик эса Олмазор туманининг Қорасарой маҳалласи вакилларига насиб этди. Соса Cola, Маҳалла ташкилоти, УФА ва ПФЛ ҳамкорлигида йўлга қўйилган турнир якунида ҳар бир иштирокчи болага футбол либослари тақдим этилди, финалчиларга яна алоҳида формалар берилди. Мусобақада ғалаба нашидасини сурган маҳалла жамоасининг ҳар бир аъзоси эса замонавий компьютер йиғилмаси билан тақдирланди, 2-4-ўринлардан жой олганларга велосипедлар тортиқ қилинди. Финал учрашувини юқорида тилга олинган ташкилотлар раҳбарлари бевосита кузатиб боришди. Миржалол Қосимов финал босқичида рамзий маънода биринчи бўлиб тўпни ўйинга киритиб берди, тақдирлаш маросимида эса Шота Арвеладзе, Вадим Абрамов, Азамат Абдураимов каби мутахассислар ҳозир бўлишди. Совғалар ўз йўлига, бизнингча, Тошкент маҳаллаларининг оддий болалари футбол турниридан завқ олишди. Яхши ният ва кучли ҳаракат билан мазкур мусобақага аънанавий тус бериб, уни бутун республика бўйлаб ўтказиш масаласи 2020 йилда кўриб чиқилади».

Ўзбекистон миллий жамоаси жаҳон чемпионати саралаш босқичининг илк турида Фаластин термасига мағлубиятга учрагач, футбол жамоатчилигида аргентиналик Эктор Куперга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлди ва натижада ЎФА тажрибали мутахассис билан шартномани бекор қилди. Назарий жиҳатдан олиб қаралса, термаиз саралашда эндигина битта ўйин ўтказганди, имконият сақланиб турганди. Аммо Купернинг фалсафаси ва қўллаётган услуги бизнинг жамоага мос эмасди. Шундай пайтда барча мухлису мутахассислар Абрамов давридаги ҳужумкор, очиқ ўйинни соғинишди. Якунда «Бунёдкор» билан юқори кўрсаткичларни қайд этаётган Вадим Карленович бош жамоа устози этиб тайинланди. Шу муносабат билан термаиз бошқарувини қайта қўлга олган мураббийни суҳбатга тортиб, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик.



Вадим АБРАМОВ:

«МУХЛИСЛАР ИШОНЧINI ҚАЙТАРИШИМИЗ КЕРАК»

- Вадим Карленович, дастлаб бошқараётган клубингиз ҳақида гаплашсак. «Бунёдкор»га сафар ўйинларида нима бўляпти?

- Бу футбол! Гоҳида ўйин суръати таблодаги ҳисобга мос келмаслиги мумкин. Олмалиқда ёмон ўйин кўрсатмадик. АГМК маҳоратли мураббий ва ўз услубига эга. Кубок учрашувида улар бизни қарши ҳужумда ушлашди ва финалга чиқишди. Хатоларимиз эвазига учта гол олиб чиқдик дарвозамиздан.

- Ўзбекистон миллий жамоасини қийин шароитда қабул қилиб олдингиз. Термининг ҳозирги ҳолати сизни ташвишга солмаяптими?

- Вазиятни ўнгласа бўлади, ҳамма нарсанинг иложи бор. Бу жараёнда айрим камчиликлар бўлиши эҳтимоли йўқ эмас, хатолардан ҳеч ким қафолатланмаган.

- Эктор Купер ҳимоявий ўйин тарафдори эди, сиз эса, аксинча, ҳужумкорликка урғу берасиз. Мавжуд ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, Яман ва Сингапур термаларига қарши ўйинларда қандайдир ўзгаришлар кўрамизми?

- Бу саволингизга терма жамоа аъзолари билан бафуржа гаплашиб олганимдан сунг жавоб беришим мумкин. Ҳозирча аниқ нимадир деёлмайман.

- Терма жамоанинг навбатдаги йиғинига чақирилган футболчилар рўйхатига назар солсак, Лутфулла Тўраевни ҳам кўришимиз мумкин. Сизнингча, бу тўғри танловми?

- Кимни йиғинга жалб этган бўлсам, демак, уларнинг барчаси шунга муносиб, бу футболчиларни яхши билганлигим учун чақирдим. Жамшид Искандеровни эса

асосан «Пахтакор»даги ўйинлари орқали таниганман. У узоқ муддатдан бери терма таркибига киритилмаган. Потенциали бор, ҳар ҳолда. Лутфулланинг имкониятларини ҳам биламан. Шуниси аниқки, миллий жамоада фақат энг кучлилар ўйнайди. У қайси клубдан, мураббийи ким, ёши нечада, бу аҳамиятсиз. Мухлислар «Абрамов ўз ёқимтойларини чақирди», деб ўйлашлари мумкин. Лекин мен учун ҳаммаси бир хил футболчи. Айримлар Олим Навқаров мен яхши кўрган футболчи эканлигини айтишди, худдики, уни яна термага таклиф этарканман! У ўз вақтида фойда келтирган, ҳозир фаолиятини тугатган, аллақачон.

- Сиз бош мураббий этиб тайинлангач, барча 2011 йилги Осиё кубогини эслади ва ҳозирги жамоадан ўша пайтдаги ўйинни кутишмоқда...

- У 2011 йил эди, ҳозир - 2019. Орада кўп нарса ўзгарди. Термининг ҳозирги ҳолати менинг айбим эмас. Бизнинг айни вақтдаги вазифаларимиз - ҳам ўйин, ҳам натижа бобида мухлислар ишончини қайтариш.

- Кенгайтирилган таркибга эътибор қаратадиган бўлсак, Даврон Ҳошимов, Қувондиқ Рўзиев кабилар таклиф этилмаганига гувоҳ бўлдик...

- Бу кенгайтирилган таркиб, ким кучли бўлса, ўша якуний таркибдан жой олади. Масалан, мен «Бунёдкор»дан тўрт шогирдимни олдим. Аммо бу уларнинг мунтазам ўйнашларини англамайди. Йиғинда кўрамиз, қолган футболчилар билан солиштирамиз.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/4266> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4266> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4266>